

ТУҒРУҚ ЁШИДАГИ ҲОМИЛАДОРЛАР ҲАМДА ЭМИЗИКЛИ АЁЛЛАР ИММУН ТИЗИМИНИНГ ГУМОРАЛ БЎҒИНИ МИҚДОРИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ

Латинова Дилшода Бахтияровна

Урганч Ранч Технология Университети

Охирги йилларда клиник иммунологиянинг ривожланиши натижасида кўплаб патология олди ва патологик ҳолатлар механизмлари очиб берилиб, турли юқумли ва соматик касалликлар шаклланиши ва ривожланишига доир ҳал қилинмаган масалаларга ойдинлик киритилди. Шунинг баробарида репродукция иммунологияси борасида ҳам кўплаб илмий тадқиқотлар натижалари эълон қилинган бўлса ҳам ушбу муаммога боғлиқ минтақавий масалалар ечилмай қолмоқда. Шу сабабли ҳам ҳомиладор ва эмизикли аёллар иммун тизими ҳолатини ўрганиш, олинган натижаларни талқин ва таҳлил қилинган ҳолатда асосий хулосалар қилиш, уларни соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш давр талабидир [1, 7, 10].

Тадқиқот мақсади. Қишлоқ туманларида доимий истиқомат қилувчи фертил ёшидаги ҳомиладорлар ҳамда эмизикли аёллар иммун тизимининг гуморал бўғини миқдорий кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқот материали ва методи. тадқиқотларга жалб қилинган 145 нафар ҳомиладор аёллар ва 145 нафар эмизикли аёлларни скрининг қилиш жараёнида аниқланган ва тасдиқланган I-II даражали анемиялар ($n=36$ тадан) ва аутоиммун тиреодит ($n=36$ тадан) нозологик бирликлари танлаб олинди. Улар иммунологик кўрсаткичлари соғлом ҳомиладорлар ($n=20$) ва соғлом эмизикли аёллар ($n=20$) параметрлари билан қиёсланган ҳолда келтирилди.

Тадқиқот натижаси. Аниқланишича, JgA нинг қон зардобидеги концентрацияси соғлом ҳомиладорларда $1,76 \pm 0,07$ г/л ни ташкил этгани ҳолда анемиялар ташхисланган аёлларда унинг концентрацияси $1,73 \pm 0,09$ г/л

ни бўлди ($P>0,05$). Кўриниб турибдики, олинган натижалар орасида ишонарли тафовут аниқланмади (41-жадвал). Бу кўрсаткич аутоиммун тиреодит (АИТ) ташҳисланган аёлларда ҳам аниқланди, олинган натижа $1,64\pm 0,10$ г/л бўлгани қайд этилди. Бу ҳолатда ҳам меъёрдан фарқли натижа олинмади ($P>0,05$).

Шунга ўхшаш натижа IgG бўйича ҳам кузатилди, ҳар иккала назологик бирликлар кўрсаткичлари меъёрий параметрлар даражасида бўлди мос равишда $19,42\pm 0,29$ г/л ва $20,02\pm 0,95$ г/л га қарши $20,35\pm 0,18$ г/л ($P>0,05$). Ҳар иккала иммуноглобулинлар тенденцияси бир хил бўлгани аниқланди. Қон зардобидаги бошқа иммуноглобулин IgM бўйича ҳам шунга ўхшаш натижа кузатилди, фақат анемияларда унинг миқдори меъёр кўрсаткичларидан ишонарли равишда юқори бўлди ($P>0,05$), соғломларда унинг концентрацияси $2,10\pm 0,08$ г/л бўлгани ҳолда анемияларда $2,86\pm 0,13$ г/л, АИТ да эса $2,32\pm 0,14$ г/л бўлди. Эътиборли томони шуки, ҳар учала иммуноглобулинларнинг қон зардобидаги концентрациясидаги ўзгаришлар тенденцияси амалий жиҳатдан бир хил бўлди, интенсивлигида ҳам айтарли кескин ўзгаришлар кузатилмади.

Аммо, IgE бўйича олинган натижалар бўйича бундай фикр билдириб бўлмайди, чунки ушбу параметрлар соғлом ҳомиладорлар кўрсаткичларидан статистик жиҳатдан аҳамиятли даражада тафовутланиши билан ажралиб турди ($P<0,05$). Ҳар иккала нозолоик бирликда ҳам IgEнинг қон зардобидаги концентрацияси меъёр кўрсаткичларидан юқори бўлди ($P<0,05$). Турли даражадаги анемияларда ушбу иммуноглобулин миқдорий кўрсаткичи $181,71\pm 1,99$ ХБ/мл бўлган бўлса, АИТда $156,82\pm 1,22$ ХБ/мл ни ташкил этди. Ҳар иккала кўрсаткич соғлом ҳомиладорлар параметрларидан ($138,82\pm 0,89$ ХБ/мл) мос равишда 1,31 ва 1,13 мартага ишонарли даражада юқори бўлди ($P<0,05$).

Шундай қилиб, I-II даражали анемиялар ва АИТ ташҳисланган ҳомиладор аёллар қон зардобидаги асосий иммуноглобулинлар

концентрацияларнинг ўрганиш шуни кўрсатдики, ушбу аёллар IgA, IgG ва IgM параметрлари бўйича соғлом ҳомиладорлар кўрсаткичларидан амалий жиҳатдан фарқ кузатилмади (анемияларда IgM миқдоридан ташқари). Натижалар қиёсий таҳлили уларнинг бир-биридан фарқ қилмаслигини, ўзгаришлар интенсивлигидасезиларсиз фарқ аниқланса ҳамки, улар ўзгаришлар тенденцияси бир хил эканлигини кўрсатди. Эътиборлиси шуки, назологик бирликлараро тафовут ҳам кузатилмади ($P>0,05$). Бу ҳолат иммуноглобулинларнинг ушбу касалликлар патогенезидаги ўрни камлиги, шаклланган яллиғланиш жараёни йўқлиги, бирламчи ва иккиламчи иммун жавобни шакллантирадиган даражада антиген стимуляцияси йўқлиги билан изоҳланди. IgE бошқа иммуноглобулинлардан фарқ равишда ҳар иккала ҳолатда ҳам ишонарли даражада фарқ қилгани билан ажралиб турди. Бу эса аллергия фон борлигидан далолат берди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Арипова Т.У., Умарова А.А., Петрова Т.А. Интерпретация иммунограмм в норме и при вторичных иммунодефицитных состояниях // Методические рекомендации. - Ташкент, 2008. - 24 с.
2. Нуралиев Н.А., Рахманова С.С., Исмаилов Г.А. Иммунология. Маъруза матнлари тўплами. - Урганч, 2010. - 57 б.
3. Сизязкина Л.П., Андреева И.И. Справочник по клинической иммунологии. Ростов-на-Дону: Феникс, 2005. - 488 с.